# Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йилда 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 104 (21. 203) 1992 йил 27 май, чоршанба

БАҲОСИ 1 СЎМ.


## • ЎЗБЕКИСТОН–МАЛАЙЗИЯ •



Суратда: қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

# КЕНГГА— КЕНГ ДУНЁ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жумҳуриятимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия Республикаси ташқи ишлар вазири Датук Абдулла Бин Ҳаж Аҳмад Бадавий бошчилигидаги расмий делегацияни қабул қилди.

Қабул чоғида Ўзбекистон Президенти жумҳуриятда мустақиллик йўлида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида гапириб берди, бугунги учрашув иккала мамлакат халқлари бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига хизмат қилади, деб таъкидлади.

Малайзия тинчлик сиёсатини, ядросиз сиёсатни юргизиш тарафдори бўлган давлатдир. Республика ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ишни ватан озодлиги йўлида халқни жипслаштиришдан, ташқи ва ички сиёсатни янгилашдан бошлади.

Ўзбекистон Президенти инсоний ҳалоллик ва поклик, ислом динига тўғри муносабат асосида ривожланаётган бу мамлакат билан дўстона алоқалар ўрнатиш, шубҳасиз, яхши натижалар беради, деб ишонч билдирди.

Делегация бошлиғи Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш учун барча имкониятлар мавжудлиги бизни қувонтиради, деди. Меҳмон ватанида мустақиллик қўлга киритилганидан сўнг янги иқтисодий сиёсатни ўтказишда амалга оширилган тадбирлар ҳақида сўзлади. Малайзияда, — деди у, — мусулмонларни менсишмас, халқимиз ночор яшар, миллий даромаднинг атиги икки фоизи бизга ажратилар эди. Биз, аввало, қашшоқликка барҳам беришга, иқтисодни қайта қуриш ва ташқи алоқаларни йўлга қўйишга киришдик. Мамлакатимиз мусулмонлари қишлоқ хўжалигидаги самарали меҳнати билан, хитойлар тадбиркорлик билан, ҳиндлар эса саноатни ривожлантириб иқтисодиётимизни юксалтиришга ҳисса қўшдилар. Мусулмонларимизнинг қадди ростланди, қадр-қиммати ортди. Эндиликда миллий даромаднинг 22 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Дини ва миллатидан қатъи назар, мамлакатимизда барча тенг ҳуқуқлидир. Хусусийлаштириш тадбирлари ҳам босқичма-босқич амалга оширилди. Фуқаро истаса хусусийлашган корхонада, истаса давлат корхонасида ишлаши мумкин. Ўзбекистон билан танишар эканмиз, халқларимизнинг тақдири ўхшашлигини кўрдик, бу ерда савдо-сотиқни, халқаро сайёҳликни самарали йўлга қўйиш мумкин экан. Халқларимиз бордикелди қилса, тажриба алмашса айни муддао бўлур эди, деди Малайзия ташқи ишлар вазири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти суҳбатдан мамнун эканлигини айтди, меҳмонларни Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига таклиф қилди.

Иккала давлат ўртасида яқин орада дипломатик алоқаларни ўрнатиш ҳақида маслаҳатлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов иштирок этди.

У. МИРЗАЕВ,
ЎзА мухбири.

# ЖАЛА ОҚИБАТЛАРИНИ ТУГАТИШ УЧУН

**УРГАНЧ. 26 май. (ЎзА мухбири Ю. ИБРОҲИМОВ). Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бугун Хоразм вилоятига келди. У вилоят пахтакорлари ва шоликорларига, боғбонлари ва чорвадорларига катта ташвиш келтирган жала ва бўрондан кўпроқ зарар кўрган жамоа ва давлат хўжаликларини бориб кўрди.**

Тез-тез ёмғир ёғиши, жала қуйиши, ҳароратнинг кескин пасайиб кетиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига катта зарар етказди. Кўпгина пахтазорларни сув босди, насослар ёрдамида сувни экинзорлардан чиқариб ташлашга тўғри келди. Шундан кейин кучли шамол бўлиб тупроқни қуритиб қўйди, қалин қатқалоқ пайдо бўлиб, ниҳолларни бўғиб қўйди. Кўпдан буён мўл пахта етиштириб шуҳрат қозонган Хоразм пахтакорлари бундай офатни эслай олмайдилар.

Гурлан, Янгибозор, Урганч, Хонқа ва Боғот районларининг хўжаликларида катта-катта майдонларга чигит қайта экилди. Токзорлар ва мевазор боғларга шикаст етди, сабзавот экинлари сув остида қолди.

И. А. Каримов қишлоқ меҳнатчилари билан суҳбатлашди, улар шу кунларда ҳосилни сақлаб қолиш учун ҳормай-толмай кураш олиб бормоқдалар, қатқалоқни юмшатишмоқда, экинларни чопиқ қилиб, ўғит солишмоқда, зарур ҳолларда эса чигит, маккажўхори ва бошқа экинларнинг ола жойларини тўлдиришмоқда. Президент ҳозирги вақтда қишлоқ аҳлини ташвишга солаётган ва сира кечиктирмай ҳал этиш лозим бўлган муаммолар билан қизиқди, республика раҳбарияти томонидан қандай аниқ ёрдам зарурлигини суриштирди.

Хоразмда жала ва бўрон оқибатларини тугатишга доир республика ҳукумат комиссияси иш олиб бормоқда. Комиссияга республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков бошчилик қиляпти. Комиссия таркибида сув хўжалиги идораларининг, молия вазирлигининг, давлат нефть маҳсулотлари билан таъминлаш комитетининг, энергия назорати ва бошқа тармоқларнинг раҳбарлари бор.

## • Долзарб мавзуда суҳбат •

# МУЛКНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: РЕСПУБЛИКАНИНГ ВА ҲАР БИР ИНСОННИНГ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Фармони билан Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш республика комитети ташкил этилди. Бу сифат жиҳатдан янги иқтисодий тузилма бўлиб, аввалги авторитар тузумда бунақаси бўлиши мумкин эмасди. Хўш, комитет қандай вазифаларни ҳал этиши лозим, унинг жамоаси қандай ишларни амалга оширмоқда, қандай қийинчиликларга дуч келмоқда? ЎзА мухбири билан комитет раисининг биринчи ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди Ш. ҒАФУРОВ шу ҳақда суҳбатлашдилар.**

**— Шуҳрат Рашидович, комитетингизнинг номига қараганда, янги ташкилот бозор муносабатларига ўтиш даврида жуда муҳим вазифаларни ҳал этиши лозим бўлади. Шундаймми?**

— Бизнинг комитетимиз биринчи навбатда шунинг учун ҳам тузилдики, мустақилликка эришган ва бозор иқтисодиётига ўтаётган давлат мол-мулкни хусусийлаштирмай туриб ва уни давлат ихтиёридан чиқармай туриб, иқтисодий салоҳиятни юксалтириши ва дадил олға томон бориши амри маҳол.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини олиб кўрайлик. Иқтисодиётнинг бу муҳим тармоғи ўнлаб йиллар давомида ночор аҳволда қолиб келди. Миллионлаб одамлар мустаҳкам моддий

(Давоми иккинчи бетда).


ХАЖ

САФАРИНГИЗ МУБОРАК!

*Жаҳон мусулмон оламининг муқаддас зиёратгоҳи — Саудия Арабистонидаги Маккаи Мадина шаҳарларини зиёрат этиш бахтига муяссар бўлдилар.*

*Мустақил Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларга "Атлас" бирлашмасида амал қилинмоқда.*

**Ҳаж сафарига бораётган барча зиёратчилар!**

*Қутлуғ сафарингиз муборак бўлсин. Муқаддас жойларда адо этиладиган ибодатларингизни Оллоҳ таоло даргоҳида қабул қилсин. Муқаддас ҳажнинг бебаҳо савоблари мустақил Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига ҳам насиб этсин. Оллоҳу акбар!*

**Ой бориб, омон келингиз!**

*Марғилон "Атлас" аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг тайёрлаб чиқараётган гўзал маҳсулотлари ҳаммангизга манзур бўлса, бош устига.*

МАРҒИЛОН
"Атлас" аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси

Ислом дини беш фарзидан бири — ҳаж сафари бошланмоқда. Бирлашма меҳнат жамоаси бу йилги шартнома асосида ўзининг олти нафар фидойи илғор меҳнатчисини ҳажга юборишга аҳд қилди. Уларнинг ҳар бири учун 50 минг сўмдан жами 300 минг сўм харажат пули ажратилди ва сарфланмоқда. Бирлашманинг ҳар бир корхонаси касаба уюшмаси ва жамоат ташкилотлари бу хайрли иш билан адолатли шуғулландилар.

Корхона манзилгоҳи: 713708, Марғилон шаҳри,
Б. Марғилоний кўчаси: 100. Телефон: 3-38-81, 3-35-74, Факс: 6-76-20

Шундай қилиб атласчилардан:

Неъматилла Мирзарахимов,
Ҳомиджон Марасулов,
Баҳодиржон Жумаев,
Абдумуталиб Асомиддинов,
Абдумажид Ҳошимов,
Азизали Асқаров.





• ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ •

## МУЛКНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ:

# РЕСПУБЛИКАНИНГ ВА ҲАР БИР ИНСОННИНГ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

базани вужудга келтирдилар, собиқ Иттифоқни пахта толаси, сабзавот, мевалар билан таъминлаб келдилар. Лекин тармоқнинг қандайдир юксалиши тўғрисида гапиришга ўрин йўқ. Олдинги қатъий тақсимлаш тизими бу тармоқ тараққиётига ғов бўлиб келди. Ҳозир аҳвол тубдан ўзгармоқда. Республика Президенти И. А. Каримов Ўзбекистоннинг манфаатларига путур етказмаган ҳолда пахта яккаҳокимлигини аста-секин камайтириш тўғрисида Фармон чиқарган. Ер унинг ҳақиқий эгалари қўлига ўтиши керак. Бу соҳада ҳам жуда кўп муаммолар борки, уларни ҳал қилиш лозим.

Иккита рақамни келтириб ўтаман: Ўтган 70 йил давомида Ўзбекистонда шахсий мулк учун 220 минг гектар ер ажратилган эди. 1989—1991 йилларда эса 370 минг гектардан кўп ер ажратилди. Бу жараён давом этмоқда. Қишлоқ хўжалиги тўғрисида гапираётганимнинг сабаби шундаки, бу соҳада мулкчиликнинг барча турлари — кооператив, фермер, жамоа мулки бўлиши мумкин... Бироқ фақат Ўзбекистоннинг эмас, балки бутун Ўрта Осиё минтақасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмоқ керак. Бу минтақада ер ва сув ҳамиша низолар ва можароларнинг сабаби бўлиб келган. Шу боисдан республикамиздаги вазият Россия, Украина, Беларусь ва бошқа мустақил республикалардаги ишларнинг аҳволидан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Нуфус хусусиятларини ҳисобга олиб, биз ҳамма ерни бирданига тақсимлаб бера олмаймиз.

Бу мураккаб масалага ҳамма жиҳатларни ҳисобга олиб ёндошмоқ зарур. Мисол учун, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ерларни қисқа муддат ичида ижарага бериш керак. Бундан ташқари ерни ижарага олишни ҳоҳлаганларга махсус жамғармадан пул ажратиш кўзда тутилган. Фарғона водийсида ва Тошкент воҳасида эса аҳвол ўзгача. Бу воқеликни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бизнинг мақсадимиз давлат хўжаликларидан воз кечишдир. Бинобарин республиканинг турли минтақаларида энг самарали ҳисобланган мулкчилик шаклларини жорий этишга ҳаракат қилмоқдамиз.

**— Демак, сиз бошчилик қилаётган комитет МДҲ мустақил республикаларида иш олиб бораётган шундай ташкилотлардан ана шу жиҳатлари билан фарқ қилар эканда?**

— Бу масалани ойдинлаштириш зарур бўлади. Мисол учун олганда қўшни Қирғизистонда мол-мулк жамғармаси ташкил этилган бўлиб, у хўжалик ҳисоби қоидалари асосида иш юритмоқда. Бу жамғарма республика ҳудудидаги ҳамма нарсани: ер, сув ресурслари ва иморатларни ҳисобга олади ва назорат қилиб боради... Ҳар бир мустақил давлат хусусийлаштиришга ўз йўлидан бормоқда.

Биз касбдошларимиз тажрибасини эътибор бериб ўрганмоқдамиз. Бироқ бу соҳада шундай муаммолар борки, уларни ҳал этиш йўллари МДҲ давлат бошлиқларининг яқинда Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида белгилаб олинди. Мен Умумиттифоқ мулкини тақсимлашни кўзда тутяпман. Чунки ҳозир мустақилликка эришган ҳар бир республикада бошқа Мустақил республикалар иштироки билан яратилган мол-мулк мавжуд. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қрим ва Кавказдаги шифохоналаримиз, Ўрта Осиё минтақаси имкониятларини кўзда тутиб ишлаётган қурилиш ташкилотлари, ягона энергия системаси... Ана шундай мисоллардир. Шу сабабли республикаларнинг фикрини аниқ белгилаб олиш, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги аъзолари билан мулкчиликка тааллуқли ҳаммага мақбул қонунларни ишлаб чиқиш ҳозирги пайтда энг муҳим вазифалардан биридир.

Аммо ички муаммоларимизга қайтайлик. Тўғри, хусусийлаштириш зарур. Айни шу йўл бир вақтлар «Ўрта ҳол мамлакатларни» жаҳондаги иқтисодий тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқди. Лекин бу соҳада кўр-кўрона иш қилиб бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам заводларни, фабрикаларни, кийимларни кимёвий тозалаш фабрикаларини хусусийлаштиришни режалаштираётган меҳнат жамоалари бор. Лекин яна бошқа мулк эгаси борки, унинг фикри ҳам, албатта ҳисобга олиниши керак. Бизнинг бу масалага ёндошувимизни қисқача таърифлайдиган бўлсак, бундай дейиш мумкин: энг муҳими давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат корхоналари ва ташкилотлари мол-мулки эгасининг ваколатларини амалга ошириш, республика мол-мулкига эгалик қилиш, бошқариш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини давлат идораларига беришдан иборат. Алоҳида эътибор беришингизни сўрайман. — Республика мол-мулки уларнинг тасарруфига бериб қўйилмайди. Давлат мулкини тасарруф этиш Давлат мол-мулки комитетининг вазифаси бўлиб, у Ўзбекистон Парламенти олдида ҳисоб беради.

Шундай қилиб, биз давлат мол-мулки сақланиши учун уни қаттиқ ва самарали назорат этишни таъминлашимиз керак.

**— Ҳар ҳолда аниқ мисол келтирайлик. Республика миқёсларига кўра ўртача саноат корхонасининг жамоаси уни хусусийлаштирмоқчи бўлса, қандай ҳаракат қилиши керак?**

— Бундай ҳолларда комитетимизга ариза бериш керак. Бизнинг экспертларимиз шу корхонани қабул қилиб олиб, унинг аҳволини ҳар томонлама таҳлил этишлари лозим. Ўз-ўзидан равшанки, иш қандай тугашидан қатъи назар, унга ҳақ тўланиши керак. Ҳамма мамлакатларда худди шундай қилинади. Сўнгра мол-мулк қийматини баҳолайдиган комиссия тузилади, меҳнат жамоаси бу комиссияга корхонани хусусийлаштириш учун барча зарур ваколатларни беради. Бу ишнинг дастлабки босқичидир. Бу босқичнинг бир қанча ўзига хос жиҳатлари бор. Биз давлат мол-мулкини ҳисобга олишимиз ва уни республика ҳамда коммунал мулкка ажратишимиз керак. Маълумки, коммунал мулк маҳаллий ҳокимият ихтиёридадир. Яъни таъсир доираси фарқлаб олинади. Бунга тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина минтақаларда маҳаллий идоралар бунга тайёр эмас. Шу сабабли комитетимиз мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир барча зарур ҳужжатларни тайёрлашни ўз зиммасига олади. Табиийки, бу ҳаммага ҳам ёқавермайди. Аммо пировардида оқибати яхши бўлмайдиган иқтисодий аҳволга олиб борадиган бетартиб хусусийлаштиришга йўл қўйиш мумкин эмас. Комитетнинг яна бир муҳим вазифаси — ҳозирча қандай тармоқлар давлат тасарруфидан чиқарилмаслигини аниқ белгилаш вазифаси худди шундан келиб чиқади. Бу бизнинг бирон-бир доира белгилаётганимизни, ўтиб бўлмас чегара ўрнатаётганимизни билдирмайди. Республика бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтмоқда.

Ўзингиз биласиз, биз заминсиз иш бошлаганимиз йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг, тараққиётни белгилаш комитетининг режалари бор. МДҲ мустақил республикаларнинг, хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ҳам тўла ҳисобга олинмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, Халқаро валюта фонди вакиллари бизнинг режаларимизни ўрганиб чиққач, уларни таъсирчан режа деб ҳисобладилар.

Ҳозиргача қилинган ишлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, комитетимизда халқ хўжалиги комплекси турли тармоқларини хусусийлаштириш дастури вариантларининг мажмуаси бор. Лекин кези келганида фойдаланиб, меҳнат жамоаларининг раҳбарларига мурожаат қилмоқчиман: биз турмушдаги ҳар қандай ҳолларда асқотадиган ҳужжатларни ишлаб чиқадиган босма дастгоҳ эмасмиз. Бизнинг кичкина жамоамиз энди шакллана-моқда. Биз мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда жамоаларга ёрдам бериш билан бир қаторда ҳозир қайси корхоналарни хусусийлаштириш мумкину, қайсиларини кейинчалик хусусийлаштириш мумкин эканлигини аниқ белгилаб беришимиз керак.

**— Хусусийлаштириладиган мол-мулк қийматига қандай баҳо берилишига қайтайлик...**

— Бу ўринда пухта ўйлаб ёндашиш муҳимдир. Республикада хусусийлаштирилган корхоналар анчагина борлиги бизга маълум, улар ўзлари қарам бўлган вазирликлар ва идоралар бюджетига ёки маблағ ажратади ёки ҳаммасини ўзи олиб қолади. Умумхалқ мулки бўлган бундай корхонани ривожлантиришга катта маблағ ажратаётган республика эса бундан ҳеч қандай наф кўрмайди. Шу тўғрими? Албатта тўғри эмас! Менимча, корхоналарни хусусийлаштираётган меҳнат жамоалари ўзларини дадил ҳис этишлари, ишлаб чиқаришни, ижтимоий соҳани ривожлантириш учун пул ишлаб топишлари, муносиб иш ҳақи олишлари керак. Аммо, Ўзбекистон манфаатларини, яъни республика ва маҳаллий бюджетларни менсимасликка уларнинг ҳаққи йўқ.

**— Бироқ ғалати манзара юз бермоқда: бир томондан республика парламенти қонун қабул қиляпти, иккинчи томондан вазирликлар ва идоралар меҳнат жамоалари ўз васийлигидан чиқиб кетишига йўл қўймаяпти. Маҳаллий ҳокимият эса ўз бюджетига маблағ келишидан манфаатдор, бундан ташқари сизнинг ҳам комитетингиз бор. Бундай вазиятда ҳоҳлаймизми, ҳоҳламаймизми, тўрттала томон ўз манфаатларини кўзлайди, бу манфаатлар афсуски кўпинча мос келмайди...**

— Ҳақиқатан ҳам ҳозирча шундай вазиятга дуч келмоқдамиз. Лекин гап шундаки, комитетимиз томонларнинг манфаатларини яқинлаштириши, давлат мулки талон-торож этилишига йўл қўйилмаслиги керак. Кенгроқ маънода гапирадиган бўлсак, комитетимиз умумий хонадонимиз майда ҳокимликларга ажралиб кетишига йўл қўймаслиги шарт. Вилоятлардаги бошқармаларимиз ҳокимиятлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб иш олиб боради. Биз тазйиқ ўтказувчи идора эмасмиз, бизнинг вазифамиз бошқача — корхона, район, вилоят, республикани фойда оладиган қилишдан, магазинларимиз пештахталарини моллар билан тўлғазишдан иборат.

**— Хўш, амалда бунинг учун нима қилиш керак?**

— Комитетимиз ҳузурида ҳозир хусусийлаштириладиган иншоотлар мол-мулкини рўйхатга олиб, унинг қийматига баҳо берадиган хўжалик ҳисобидаги марказ тузилмоқда. Унинг таркибига ўз касбини яхши билган экспертлар киритилади.

Комитет ҳузурида молиявий-ҳуқуқий инспекция бўлими ҳам иш олиб боради. Шундай бўлиши мумкинки, жамоалар мол-мулк қийматига қўйилган баҳога қўшилмасликлари мумкин. Ана ўшанда молия-ҳуқуқий инспекция бўлими ўзига хос ҳакамлик вазифасини ўтайди.

Ҳозир республикада корхоналарни хусусий мулкка айлантиришга доир меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга ихтисослашган ҳўжалик ҳисобидаги турли уюшмалар, марказлар, бирлашмалар иш олиб бормоқда, улардан воз кечиш, уларни қарор билан беркитиб қўйиш самарали эмас, Бинобарин, биз улар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб иш олиб боришимиз керак, аниқроқ қилиб айтсак, бизнинг васийлигимизда улар қабул қилган буюртмаларни тағин ҳам малакалироқ бажара оладилар. Бунинг учун комитет ҳузурида хусусийлаштириладиган корхоналар каталогларини ва меъёрий-маълумот ҳужжатларини нашр этадиган хўжалик ҳисобидаги бюро тузилмоқда. Бундан ҳар икки томон манфаатдор бўлади.

Лекин республикада юзлаб зарар келтирувчи ва кам рентабелли корхоналар бор. Бозор иқтисодиётига аллақачон ўтган хорижий мамлакатлар тажрибасига асосланиб, шундай хулоса чиқариш мумкин: бундай корхоналарни дарров жамоалар мулкига айлантириш ёки ҳамёни тўла шахсларга бериш мумкин эмасми?

Табиийки, бундай иншоотларга биз биринчи даражали эътибор бераміз. Аммо фойда келтириб ишлаётган жамоалар ҳам ўз корхоналарини давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳуқуқига эга. Демак, сизнинг хулосангизга асосланадиган бўлсак, зарар келтирувчи корхоналарга муваққат устиворлик берилади. Лекин бундай корхоналар махфий тузилмалар, қандай қилиб бўлса ҳам фойда олишни кўзлаётган «ноаниқ кишилар» қўлига ўтишига мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас. Шу сабабли бундай корхоналарни биз ким ошди савдосига қўйишимиз мумкин. Бинобарин, ким ошди савдосига қўйилиб сотилган корхоналар акцияларининг кўп қисмини ўзимиз олиб қолишга ҳақлимиз. Акцияларнинг ана шу қисми МДҲ бир қанча республикаларидаги каби 51 фоизни ташкил этиши шарт эмас. Менинг фикримча, пухта ёндашмоқ керак. Эҳтимол маълум ҳолларда акцияларнинг ўн беш—ўн етти фоизи биз учун етарлидир. Биз ҳозир Холдинг компанияси тузмоқчимиз. Бу компания ўз маблағига ана шу акцияларни сотиб олади. Бинобарин, акциялар фойда келтириши учун шу компания жон куйдириши лозим. Ҳозир биз шундай вазиятга келдикки, амлок жамғарма биржасини барпо этадиган пайт келди.

Хуллас, иншоотларни кимга мулк қилиб бераётганимизни аниқ ва равшан англашимиз керак. Республика иқтисодиётининг барқарорлиги кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Бунинг устига биз шу соҳада якка ҳоким бўлмоқчи эмасмиз. Комитет ўз дастурларини таклиф этаётган республикадаги турли илмий ва академик илмгоҳлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

**— Шуҳрат Рашидович, энди сўнгги, айтиш мумкинки, шахсий савол. Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети раисининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланганингиздан ажабланмадингизми?**

— Саволингизга очиқ жавоб бераман: бу мен учун бир томондан кутилмаган, лекин иккинчи томондан қувончли воқеа бўлди. Зиммамга қандай катта масъулият тушганлигини яхши биламан. Чунки янги комитет халқ хўжалиги комплекс тармоқларини бозор иқтисодиётига тезроқ ўтказишга кўмаклашибгина қолмай, айни пайтда шу мураккаб иш учун жавобгар ҳамдир. Хаёл суришга вақт йўқ, хато қилишга ҳаққимиз ҳам йўқ.

Янги ишни дадил бошладим. Бунгача республика тараққиётни белгилаш комитетида меҳнат қилдим, Вазирлар Маҳкамаси умумиқтисодий бўлимига бошчилик қилдим. Японияда, Бельгия, Германия, Туркияда... корхоналарни давлат ихтиёридан чиқариш ва ихтисослаштириш тажрибасини ўргандим. Иш энди бошланди. Ҳозир асосий вазифаларимдан бири комитет жамоаси ва ҳокимиятлар билан биргаликда уй-жойларни хусусийлаштиришнинг самарали дастурини ишлаб чиқишдир. Уй-жойларни хусусийлаштирмай иложимиз йўқ. Ўзбекистонликлар ўз уйлари ва квартираларининг эгалари бўлишга ҳақлидирлар. Лекин бу ишни шундай амалга ошириш керакки, бундан республика ҳам ютиб чиқсин, бирорта оила манфаатига зарар етмасин.

**Л. ЛЕВИН,**
**ЎзА мухбири.**

---

СИРДАРЁ—ҚИЗИЛЎРДА—ЧИМКЕНТ ҲАМКОРЛИГИ

## САМАРАЛИ САФАР

**● Ҳозирги иқтисодий танглик даврида эл-юрт фаровонлиги йўлида бошқа жумҳурият ва вилоятлар, айниқса ёғ қўшни-жон қўшнилар билан ҳамкорлик, бордикелди қилиш, бир-бирига мадад бериш муҳим аҳамият касб этади.**

Шунга амал қилаётган Сирдарё вилоят ҳокими Б. М. Маҳмудов бошлиқ бир гуруҳ вакиллар Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилоятига ташриф буюришди.

Улар икки кун давомида вилоят маркази — Қизил Ўрда шаҳри ва бошқа шаҳар ҳамда районларида бўлишди. Ҳамюртларимизни ҳамма жойда гуллар, нонтуз, очиқ дастурхон, энг муҳими самимийлик, юксак иззат-ҳурмат билан кутиб олишди.

— Ҳозирги даврда айниқса иқтисодий масалаларни дадил ҳал этиш осон эмаслиги барчага маълум. Шунга қарамай биз ўзаро маҳсулот алмаштириш борасида яхшигина шартномани тасдиқлашга эришдик,— дейди Сирдарё вилоят ҳокими Б. М. Маҳмудов. — Қизилўрдаликлар бизга йилига 150 минг тонна ғалла, 20 минг тонна шоли, 12 миллион дона тухум, минг тонна гўшт етказиб беришади. Ўз навбатида эса биз уларга эҳтиёжимиздан ортган 8 минг тонна пахта мойи, 15 минг тонна кунжара, 20 минг тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 3 минг тонна мева, минг тонна узум, 300 тонна кирсовун етказиб берамиз.

Б. М. Маҳмудов энг муҳими қозоқ ва ўзбек халқлари, икки вилоят, икки жумҳурият ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик янада мустаҳкамланганлигини алоҳида таъкидлади.

Сирдарё вилояти вакиллари шунингдек, қўшни Чимкент вилоятида ҳам бўлишди. Икки вилоят раҳбарларининг учрашувида олдин тузилган шартноманинг бажарилишини таъминлаш, зарур ҳолда янгилашга келишиб олинди.

**Ж. УМАРҚУЛОВ.**

---

# ШОШИЛИНЧ ТАДБИРЛАР

**● Гидрометеорология хизмати мутахассисларининг бир ойча олдин берган маълумотларига кўра 23 май куни хатар хавфи кутилган эди. Бу тахмин бир кун кейин содир бўлди. Якшанба куни кечқурун Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри ва Бўстонлиқ туманида қаттиқ ёғингарчилик бўлиб, аҳолининг истиқомат жойлари ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларига шикаст етказди.**

Ангрен шаҳар ҳокими С. Юсупалиевнинг таъкидлашича, уч соат мобайнида ёққан сел Янги Бўксук ва Наврўз қўрғонларида, айниқса кучли бўлган. Кўп қаватли уйлар ертўлалари, айрим жойларда эса биринчи қаватда жойлашган хоналар сув остида қолган.

Шаҳар ҳокимияти табиий офатнинг йўлини тўсиш юзасидан шошилинч чоралар кўргани туфайли қурбонлар бўлмади. Тун бўйи минг нафардан зиёд киши сел оқибатларини бартараф этишга ҳаракат қилди. Тўпланиб қолган сув халқоблари бошқа жойга ташиб кетилди. Яшаш жойлари шикастланган фуқаролар хавфсиз қўшни уйларга кўчирилди. Ўрта Осиё кўмир ишлаб чиқариш бирлашмаси («Средазуголь») мутахассислари бу юмушларда, айниқса жонбозлик кўрсатишди. Сел ишдан чиқарган 4 километрли йўл ва сув иншоотларини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Вилоят ҳокими С. Сайдалиев бошлиқ гуруҳ табиий офат оқибатларини тугатиш юзасидан шошилинч тадбирларни ишлаб чиқди ва улар амалга оширилмоқда.

* * *

Шу кунги офат Бўстонлиқ туманини ҳам четлаб ўтмади. Қаттиқ ёққан жала дўлга айланиб, айниқса Муслим Боймирзаев номли (собиқ «Дўстлик») ва «Ёчбек» (собиқ Фрунзе номли) жамоа хўжаликлари экинларига анча шикаст етказди. Баъзи кўчалар зарарланди. Бир неча уй талафот кўрди. Сув иншоотлари ишдан чиқди.

Туманда вилоят ҳокими муовини Х. Ҳамидов бошчилигида тузилган шошилинч штаб фавқулодда ҳодиса оқибатларини тугатиш бўйича қатор тадбирларни амалга ошира бошлади. Жумладан, йўллар, сув иншоотларини таъмирлашга киришилди. Пайҳон бўлган қишлоқ хўжалиги экинлари қайта экилмоқда.

Талафот кўрганларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётир.

**А. МАННОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.**

---

• МУҲОКАМА, МУНОЗАРА •

**● Ота-боболаримиздан бир нақл қолган: «Бир ота ўнта болани боқади, ўнта бола битта отани боқолмайди». Афтидан бугунги Тошкент бозорлари худди ана шу отага ўхшайди. Иқтисодий танглик, қимматчилик пайтида, дўконлар бўм-бўш бўлиб ётган, қўлдаги талонга ҳоҳлаган нарсангни ҳам ололмай турган бир пайтда барча умидимиз бозордан бўлиб қолди. «Отанг ҳам бозор — онанг ҳам бозор» деганлари шу бўлса керак.**

**Тошкент бозорларида жондан бошқа ҳамма нарса бор. Лекин тўғри нарх-наво ошиши билан бозордаги нарх ҳам кескин кўтарилиб кетди. Ҳар куни бозор қилишни ҳаммаининг ҳам чўнтаги кўтаравермайди. Сотувчи кўпроққа сотсам дейди, олувчи эса арзонга... Орада бироз баҳс, савдолашув, тортишув бўлиши аниқ. Бозор шунинг учун ҳам бозор. Биз бозорни «қий-чув»ларга бой бўлгани учун бозор демаймиз. Айнан сотувчи билан харидор муносабати, ўзаро келишиб савдо-сотиқ қилиши—бу бозордир.**

# БОЗОР—МЕҲРГА ЗОР

## ЁКИ БОЗОР САВДО МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

ТЎҒРИ, кейинги пайтда бозорларимизда ҳамма нарса бўлгани билан бир нарса етишмайди, менинг назаримда. Бу, ҳам бўлса сотувчига ва харидорга бўладиган ўзаро ҳурмат, ўзаро меҳр-оқибат ва инсофдир. Бунинг оқибатида сотувчи билан харидорлар ўртасида баъзан «ғиж-ғиж»лар бўлиб туради. Бу сир эмас. Аммо аслида шу нарса керакмикан? Қани биздаги меҳр-оқибат, инсоф?

Ахир халқимиз инсоф сари барака дейди. Қора кўзойнакни тақиб олсак, кўзимизга бозорга келган ҳамма сотувчилар, деҳқонлар, олибсотар, чайқовчи бўлиб кўринишмумкин. Тўғри, шоли курмаксиз бўлмайди. Улар орасида олибсотарлар ҳам бор. Лекин бошқалар уларнинг касрига қолмаслиги керак.

Ахир деҳқон бечора ёз бўйи тер тўкиб, бола-чақасининг ризқини қирқиб, турмушимни яхшилармиканман, тирикчилигим ўтармикан, беш-олти танга топармиканман деган ният билан бозорга келади. Ахир унинг ҳам уйида чирқиллаган жўжабирдайлари бор. Ейиши, ичиши, кийиниши керак. Ахир деҳқон робот эмас-ку!

Шуларни ўйлар эканман, айрим бозорларда баъзи ёшларимизнинг деҳқонни «Нега қиммат?» дея ҳақорат қилаётганини кўриб ачиниб кетаман. Тўғри, мен бу билан деҳқонни оқламоқчи эмасман. «Инсоф сари барака» деб бежиз айтмадик. Ҳар бир бандага инсоф берсин. Лекин...

Тунов куни Олой бозорида уч-тўрт нафар йигитлар бодом сотаётган кишини қаттиқ ҳафа қилишди. «Нега бодоминг қиммат?» — дея унинг ёқасидан олишга тайёр. Биз баъзўр ажратиб муросага келтирдик. Лекин шу ўринда деҳқонларга ҳам эътироз бор. Нарх-наво ошди — бу факт. Бироқ нарх-наво ошди деб, 40 сўмлик бодомни 100—120 сўм дейиш инсофданми? Нега хандон писта 150 сўм? Нима у пахтамиди йил бўйи меҳнат қилиб етиштирсанг? Тўғри, бундай эътирозларни истаганча айтиш мумкин. Бироқ ҳар бир киши ўз меҳнатини, ўз маҳсулоти таннархини инсоф билан чамаласа адолат тарозуси алдамайди.

Кишилар пулни кўчадан супуриб олмайдилар. Айниқса оддий меҳнаткаш. У 20 сўм топиши учун кун бўйи ишлаши керак...

— Бозор — эл кўзгуси, — дейди Тошкент шаҳар деҳқон бозорлари бошқармаси бошлиғи Раҳматулла Муротхонов. Унда ҳамма нарса мавжуд. Аммо бозорда меҳр-оқибат ва инсофнинг йўқолиб бораётгани кишини ташвишга солади. Негаки, бозорларимиз меҳрга, инсофга бой ва тўла бўлса, инсоннинг инсонга бўлган меҳри, оқибати ошади, имон, эътиқод кучаяди, инсоф-диёнат ортади, арзончилик бўлади...

Аммо бозорларимизда бўлаётган айрим хунук воқеаларнинг гувоҳи бўлиб уялиб кетасан, киши. Ахир шу бозорларимиз — юртимизнинг, халқимизнинг қиёфаси-ку! Буни бозорга қадам қўйган ҳар бир одам унутмаслиги керак.

Ҳеч нима олмаса ҳам бозорни айланган одамнинг кўзи, дили қувнайди. Дарҳақиқат, кўз тўқлигида гап кўп. Бир донишманд айтган экан: «Шаҳар аҳолисининг кайфияти, халқнинг бадавлатлиги бозорлардан бошланади». Ҳа, бозорлар халқ кайфиятини кўтарувчи ўзига хос даргоҳдир. Келинг, бу даргоҳдан меҳр аримасин, ҳеч ким безмасин. Сотувчига ҳам, олувчи-харидорга ҳам инсоф берсин.

Яқин-яқинларгача бозорларимизда сотувчиларнинг «Олаверинг, ейишингизга пул олмаймиз, олмасангиз ҳам тотиб кўринг», «Келинг, пулингиз бўлмаса ҳам олиб кетинг, эртага ташлаб кетарсиз» қабилидаги самимий, инсоний гапларини эшитиш мумкин, эди. Энди-чи?!

Шу ўринда бозор муомиласи маданияти ҳақида чуқурроқ ўйлашимиз зарур эканлиги равшан бўлиб қолмоқда. Биз юқорида намуна келтирган жойлардаги бозор муомиласи — маданияти бошқа бозорларимизда ҳам ўз ифодасини топмоғи керак. Зотан бозор бақириқ-чақириқлар, харидор билан бозорчи ўртасидаги келишмовчилик ва уларнинг бир-бирига қўпол муомала қиладиган жой эмас. Аксинча, бозор халқимизда ҳамиша муқаддас саналиб келинган жой эканлигини англаб етмоғимиз зарур.

Бозорчи фақат бозорда ўз маҳсулотини кўз-кўз қилиб, сотибгина қолмайди, балки у ўзининг маънавий дунёсини, муомала, одоб маданиятини ҳам намойиш этади. Шундай экан, бозорда — ҳалолликнинг, покликнинг, имон-эътиқоднинг ҳамда хушмуомалалик ва одоб маданиятининг талаб қилиниши долзарб муаммодир.

— Қадимда «Эски Жўва» номи билан, ҳозирда «Октябрь» деҳқон бозори номи билан аталиб келаётган бу бозорнинг бошқа ҳеч бир колхоз бозорига қиёслаб бўлмайдиган ўз қиёфаси, руҳи бор, — дейди кўп йиллардан буён савдо дўконларига раҳбарлик қилиб келаётган, республикада хизмат кўрсатган савдо аълочиси Салоҳиддин Нажмиддинов. — Бу бозор ўзининг ёрқинлиги, гавжумлиги, беташкрор хусусиятлари билан бозорга келувчиларни, айниқса шаҳримизга келган меҳмонлар диққатини ўзига тортарди, уларни ҳайратлантиради. Жумҳуриятимиз довруғини, унинг саҳоватли табиатини, шарқоналикни адабиётлардан ўқиб, одамлардан эшитганларини кўриш орзусида келган чет эллик ва бошқа жумҳурият меҳмонлари ўша тасаввурларини айниқса бозордан топишга, кўришга интилишади. Бозорларимизнинг шарқона исларини туйишни ҳам истайдилар. Улар бозорларимиздан харид баҳона кишиларимизнинг кайфиятларини, орзу-истакларини, одамларимизнининг хушмуомалаликларини, самимиятлилигини мева маҳсулотлари йилдан-йилга камайиб, уларнинг нархи киши билмас даражада аста-секинлик билан ўсиб бормоқда. Ҳатто аҳвол бугунги кунда шу даражага келдики, жумҳурият бозорларидаги нарх чайқов нархлари билан тенглашиб қолди. Республикамизда мевачеваларнинг камайиши ва нархининг кўтарилиши жуда оғир оқибатларга олиб келиши бугунги кунда очиқ-ойдин равшан бўлиб қолди. Республикада аёлларнинг камқувват ва камдармонлиги, болалар ўлимининг кўплиги худди ана шундандир. Бунинг энг катта сабаби эса пахта яккаҳокимлиги бўлди. Пахта яккаҳокимлиги туфайли республикамиздаги кўпгина боғ-роғлар кескин қисқариб кетди ва ҳозир сиз билан биз кўриб турган аҳвол юзага келди. Бу аҳвол бир кунда ёки бир йилда юзага келгани йўқ, у йиллар давомида аста-секинлик билан шаклланди. Шукрлар бўлсинки, Президентимиз фармонлари билан бу нарсага ҳам чек қўйилмоқда. Ерлар пахтадан ҳоли этилиб, деҳқонларга томорқа ер ажратиляпти, янги боғ-роғлар барпо бўлмоқда. Лекин бу ишларни ҳали кўнгилдагидек бораяпти, деб бўлмайди. Агар бу муаммоларни бартараф этишни бугунги кунда тезлатмасак, эртага кеч бўлиши аниқ. Жумҳуриятимиздаги пахта экиладиган майдонларнинг қисқариб, боғ-роғларнинг кенгайиши— бизнинг мавжуд аҳволдан чиқишимиз учун бирдан бир тўғри йўлдир.

Бозор муаммосининг яна бир томони — деҳқоннинг ўз маҳсулотини бозорга олиб келиш масаласидир. Агар деҳқоннинг маҳсулотини бозорга олиб келиши енгиллаштирилса — деҳқон учун «тушовидан улови қиммат» бўлмаса, бозордаги нархнаво ҳам одатдагидан арзонроқ бўлиши мумкин. Бозордаги мева-чевалар нархининг тушиши учун давлат дўконларида ҳам доимо мева-чева бўлиши керак. Шундагина бозорда авжига чиқаётган «ким ошди» савдоси бир маромга келган бўлур эди. Афсуски, бизда бундай эмас, бизда тескариси, давлат дўконлари бўшаб ётибди ёки бўлган тақдирда ҳам сифатсиз, сотувга чиқариш мумкин бўлмаган мева-чева ва сабзавотлар бўлади. Хўш, энди савол туғилади? Нега бозордаги маҳсулотнинг сифати яхши-ю, давлат дўконларидаги маҳсулотнинг сифати ёмон?

Бозорда давлат дўконлари билан бир қаторда ширкат дўконлар ҳам маҳсулот сотмоқда. Ширкатни ташкил этишдан мақсад — мавжуд аҳволни енгиллаштириш эди. Афсуски, бизда тескари бўлмоқда. Ширкат дўконларда сотилаётган маҳсулотлар бозордаги нарх билан баробар. Рақобат бўлмагач, нарх-наво тушадими?

Бозорларга жумҳуриятимизнинг чекка жойларидан маҳсулотнинг кириб келиши минг бир қийинчиликлар эвазига бўлмоқда. Тошкент шаҳрининг Қўйлиқ, Олой, Қорақамиш деҳқон бозорларидаги тартиб бир оз кўнгилдагидек бўлса, бошқа бозорлардаги аҳвол эса жуда оғирдир. Бозорларда маҳсулотларнинг кўп бўлиши мева-чеваларнинг арзонлигини таъминлайди. Шунинг учун бозорга маҳсулотларнинг оқиб келишини бир хил таъминлаш керак.

Бугунги кунда жумҳуриятимиздаги аҳолининг иқтисодий аҳволи тобора оғирлашиб бораётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Қишлоқ хўжалигида ишлаётганларнинг иш ҳақи 400—500 сўмдан ошмаяпти. Бу сўмма деҳқон хонадонининг дастурхонини бозор маҳсулоти билан таъминлаш тугул — оддийгина кун кўришга ҳам етмаслиги аниқ. Деҳқоннинг даромадли бўлиши — деҳқон билан бозор ўртасидаги кўприкдир. Бу бугунги мавжуд аҳволни бирмунча енгиллаштиради.

Тошкент шаҳрининг мўътабар меҳнат фахрийларидан бири Мансур Содиқов: — Наҳотки, бозорларда боғ ва полиз неъматларини шаҳарликларга совға сифатида келтирган боғбонлар халқнинг соғлиғи, кайфияти, фойдасини эмас, ўз ҳамёнини кўзласалар, — деб нолиб қолдилар. Ахир, бундан 20—30 йиллар олдин, бундай эмас эди-ку? Аввалги деҳқонлар савдолашиб, икки оёқларини бир этикка тиқиб ўтиришмасди. Сотиб-сотиб кетаверишарди. Ҳозирги бозор «деҳқонлари» чайқовчига ўхшайди. Таажжуб. Наҳотки, икки оёқларини бир этикка тиқиб, айтганларига сотсалар? Наҳотки, шарқоналик лутфларимизни унут қилиб юборсалар? Баъзан ҳайрон қоласан киши, инсоф деган нарсани унутиб қўйишади. «Бозор шунақа, хоҳласангиз олинг», «Ҳамма шу баҳода сотяпти» деб совуққина жавоб берадилар. Мол эмас, гўё бир қоп зардоб сотаётганга ўхшайдилар.

**● Халқимизнинг «Сиқ ҳам куймасин, кабоб ҳам куймасин» деган нақли бор. Ваъзилар ҳатто «Бетимнинг қалини жонимнинг ҳузури», — деб иш тутадилар. Нуроний деҳқонга хос ҳиммат қани-ю, саховат қани?**

**Бозор шунақангики, унинг турли жойларида баҳо бир хил молга тебраниб туради, яъни бозорнинг боши, охири ва ўртасида нарх қалқиб меъёрига тушмай туради. Бозорнинг дўкондан фарқи — баҳолашиб, қийнашиб олишдадир. Шунда ҳаммаси инсоф доирасида бўлиши керак. Афсуски, ҳозир эса олувчи билан сотувчининг ўртасида алоқа ўрнига, меҳр-оқибат ўрнига пул муҳим ўрин эгалламоқда.**

**Ўртадаги одамийлик, инсоннинг инсонга бўлган ҳурмати, оқибати қани? Ҳеч қандай молу-дунё, ҳатто тожу тахт меҳр-оқибатга етмайди. Шу боис оқибатли бўлайлик, бозорларимиз эса меҳрга тўлсин. Олувчиларга ҳам, сотувчига ҳам инсоф берсин!**

**Тўхтамурод ТОШЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»нинг ижтимоий адолат бўлими мудири.**

# ОНА ТАБИАТ — КЎЗ ҚОРАЧИҒИМИЗ

*«Ўзбекистон овози»нинг мустақиллик дорилфунуни*

**Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг мустақил иқтисодиётини яратиш билан бир қаторда экологик сиёсатни ҳам вужудга келтиришнинг долзарблигини узоқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Зероки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасининг ҳам иқтисодий, ҳам мустақил давлат сиёсатининг энг ўткир қирраларидан бири бўлиши муқаррар. Бундай сиёсатнинг бозор иқтисодиёти шароитида амалга оширилишини давлат маҳкамалари таъминлаши зарур. Шу ўринда ҳуқуқий тадбирлар асосий восита бўлиб хизмат қилади.**

Бозор иқтисодиёти шароитида янгича экологик муносабатларнинг келиб чиқиши давлат мулкини хусусийлаштириш, хусусий мулк, табиатдан фойдаланганлик учун пул тўлаш ва бошқа иқтисодий тадбирларнинг ривожланиши билан боғлиқ, деб тушунмоқ керак. Шундай шароитда табиат неъматларининг бурунгидан фарқ қиладиган янгича муҳофаза мақомини яратиш долзарб масала бўлиб қолади.

Бундай ҳақиқатни шубҳасиз ҳеч ким инкор эта олмайди. Бироқ бозор иқтисодиёти шароитида табиат бойликларини муҳофаза қилиш масаласи ҳали пишиб етилмаган ёки вужудга келмаган бир пайтда бу ҳақда фикр юритиш тўйдан олдин ноғора чалиш эмасмикан? Тўғри, мустақил Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларни амалга ошираётган раҳбарияти чиқишларида ва Президентнинг сайловолди дастурида бозор иқтисодиёти шароитида экологик муаммоларга янада муҳим эътибор берилиши тўғрисида жонкуярлик билан қайд этилган. Маълумки, Ўзбекистон ҳудудининг экологик аҳволи жуда оғир, афтидан бедаводек. Лекин ортиқча эҳтиросларга берилмасдан, ҳозирги замонда жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари билан табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ўртасидаги муносабатлар тўғрисида бир ўйлаб кўрайликчи! Ҳаво, тупроқ ва сувнинг ифлосланиши ортмоқда, ҳайвонот ва ўсимлик турлари изсиз йўқолмоқда. Табиатнинг кўриниши тобора хунуклашиб боряпти. Атмосфера шифтидаги озон қатлами борган сари заифлашаётир. Одамларда эса соғлом табиатга бўлган умид тобора камайиб кетмоқда. Давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида чиқарган қарорларининг бажарилиши иқтисодий қарорларнинг бажарилиши олдида ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Собиқ ССР Иттифоқи чиқарган «Мамлакатда табиатни муҳофаза қилиш ишларини тубдан қайта қуриш тўғрисида»ги (1988 йил январь) ва «Мамлакатни экологик соғломлаштиришнинг кечиктириб бўлмайдиган чоралари тўғрисида»ги (1989 йил ноябрь) қарорлари амалда ҳеч қандай кўзланган натижани бергани йўқ. Улар мустақил Ўзбекистонда бошқа давлатнинг қонунларидек бўлиб қолди. Республикамизнинг эса табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида тузукроқ қонуни ҳанузгача қабул қилингани йўқ. Яқинда эълон қилинган табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонун лойиҳаси жиддий камчиликлардан ҳоли эмас. Шу боисдан ҳам табиатни муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор қонуний тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмай қолиб кетмоқда.

Бозор иқтисодиёти табиат бойликларининг талон-тарож бўлишига олиб келади, деган шубҳанинг келиб чиқишига табиат бойликларидан фойдаланиш тадбиркорлар (ишбилармонлар, фермер хўжалиги ва ҳоказо) қўлига ўтиб кетганидан кейин давлатнинг уларга нисбатан мажбурлаш кучи таъсирининг сусайиши сабаб бўлади, деб ҳисоблашдир. Бундай шубҳанинг вужудга келишида жон бордек... Зотан, хусусий тадбиркорлар бозор шароитида давлат корхона ва ташкилотларига қараганда нисбатан эркин бўладилар. Яъни уларнинг фаолияти давлат маҳкамалари монополиясидан ҳоли амалга оширилади. Бундай эркинлик табиат бойликларидан фойдаланишга ҳам тегишли бўлади. Лекин хусусий уддабуронларнинг мустақил ва эркин фаолияти бутунлай давлатдан ажратилган бўлади, дейиш мутлақо нотўғри. Ҳуқуқий давлатда улар қонунларга қатъий бўйсунадилар. Гап фақат оқилона қонунлар ишлаб чиқаришда. Бунда сих ҳам, кабоб ҳам қуймаслиги керак.

ИҚТИСОДИЙ жиҳатдан эркин ва мустақил бўлган тадбиркорларнинг табиат бойликларига нисбатан хулқ-атвори замирида нималар ётишини тасаввур қилган ҳолда келиб чиқиши мумкин бўлган саволларга жавоб излайлик. Эндиликда хусусий мулкдорларнинг экологик муаммоларга муносабати қандай бўлади? Улар табиатни ўзларининг мулкий ниятларидан, экологик бебошликларидан ҳимоя қилишлари мумкинми? Бойиш, фойда, қўшимча қиймат (К. Маркснинг фикрига кўра, у XIX асрда хоҳлаган ишини қилиши мумкин эди) орқасидан қувиш жамият тўғрисида, ўзгаларнинг ҳам кун кўриши, халқ тўғрисида қайғуриш тушунчаларидан олдинга ўтиб кетмасмикан? Албатта тадбиркор ўзининг мулкига, унинг гуллаб-яшнашини таъминловчи тартиб ва тузумга нисбатан оҳиста муомалада бўлади. Лекин улар қанчалик уринмасинлар, бутун табиатни хусусий мулкка айлантира олмайдилар. Табиат капиталистик мамлакатларда ҳам бутунлигича хусусий мулк эмас.

Президентимиз вақти келиб ерларни қисман хусусийлаштириш мумкинлигини инкор этаётгани йўқ. Лекин ҳозирча Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида ер, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиат заҳиралари хусусийлаштирилмайди, деб белгилаб қўйилган.

Иқтисодий ва экологик манфаатларни чамбарчас боғлаб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хусусий жиҳатдан тартибга солиш зарурияти бозор иқтисодиёти шароитида ҳам энг долзарб муаммо бўлиб қолади. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида қайғуриш ўз-ўзидан ўта серташвиш, кўп сармоя талаб қиладиган ва мураккаб иш бўлганидан тадбиркорларнинг ҳаётида ҳам катта қийинчиликлар келтириб чиқаради. Илгарилари бундай қийинчиликлар охир-оқибатда давлатнинг «чўнтаги»га урган бўлса, эндиликда бозор шароитида моддий талафот бевосита уддабуронлар даромади тақдирини хавф остида қолдириши мумкин. Товар ишлаб чиқаришнинг бу қонуни амал қилиши бозор муносабатларидаги эркин ҳолатларда янада мураккаблашади.

Маълумки, бозор иқтисодиётида табиатни биргина моддий ёрдам кўрсатиш (пул ажратиш) йўли билан муҳофаза қилиб бўлмайди. Табиатни амалда муҳофаза қилиш учун шундай мақсадлар учун мўлжалланган жиҳозлар ва материаллар, янги техник ечимлар ва заҳиларни тежайдиган технология, малакали мутахассислар, назорат қиладиган асбоблар ва жараёнлар зарур. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг иқтисодиётимиз учун экосервис, яъни экологик товар ва хизматларнинг эркин бозори ташкил этилиб, ундан ҳар қандай тадбиркор хоҳлаган экологик буюмни қулай нархда ва жуда тез сотиб олиши мумкин бўлсин. Агар шу нарса вужудга келса, у табиатни муҳофаза қилиш муаммоларининг 75 фоизини ҳал қилган бўлар эди. Давлат ҳам экосервиснинг шундай аҳамиятини тушуниб, унга биринчи даражада эътибор бериши, шу соҳадаги ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлаши ва молиявий ёрдамини аямаслиги керак.

Фақат мана шундай шароитларда табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг туб иқтисодий усуллари самара бериши мумкин. Лекин, ҳозирча биргина Ўзбекистонда эмас, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ҳам бундай экосервис йўқ. Шундай ҳолатда хусусий тадбиркорларнинг аҳволи жуда аянчли. Уларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалиқ фаолиятининг ҳамма соҳалари устидан қаттиқ маъмурий назорат олиб бориш, иш фаолиятини қатъий чеклаш (нормалаштириш) ва ҳуқуқий тартиботни бузганларга нисбатан юридик жавобгарлик тадбирларини қўлланиш давом этаверади. Бу эса ишлаб чиқарувчиларнинг эркинлигини бўғади, ташаббусни сўндиради, қолаверса, давлат билан улар ўртасида зиддиятлар келиб чиқишига олиб келади.

Қизиғи шундаки, ҳозирги пайтда давлат билан тадбиркорлар ўртасида экологик зиддиятларнинг келиб чиқишининг олдини оладиган ҳуқуқий воситалар бизнинг жумҳуриятимизда йўқ. Айни кунларда эълон қилинган табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳасида ушбу масалалар бўйича эътибор кўпроқ хусусийлаштирилмаган корхоналарнинг ишлаб чиқарувчиларига тегишлидир. Шу боисдан ҳам тадбиркорлик фаолиятида табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жараёнини тартибга соладиган алоҳида қонун қабул қилиш заруриятини инкор этиш мумкин эмас.

Бозор шароитида иқтисодий чоралар табиатни юз фоиз муҳофаза қилади, деб ўйлаш ҳам хато бўлар эди. Демак, бунда биргина иқтисодий чораларнинг татбиқ этилиши етарли бўлмайди. Ҳатто экосервис тўлиқ ривожланган тақдирда ҳам халқ хўжалигида экологик талабларнинг тўлиқ бажарилишига умид қилиш керак эмас. Бинобарин, уддабуронлар, мутахассислар ва бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар онгига, тарбиясига, маданиятига, қонунга бўйсунишига жуда кўп нарса боғлиқ. Токи, табиат билан бевосита ёки билвосита муомала қилувчиларда, шу жумладан, хусусий ишбилармонларда экологик онг ва маданият ривожланмас экан, Ўзбекистонимизда табиатни муҳофаза қилиш ишларини кўнгилдагидек амалга ошириб бўлмайди. Экологик инқирозннинг эса оқибатлари жуда оғир. Зотан, экологияси таназзулга юз ўгирган юртда, юридик адабиётларда, ҳанузгача экологик ҳуқуқбузарликларнинг (хоҳ жиноий бўлсин, хоҳ маъмурий) назарияси тўлиқ яратилгани йўқ. Мазкур соҳада қўйилган дастлабки қадамлар, яъни экологик ҳуқуқбузарликларнинг назарий тушунчасини яратишдаги ниҳол натижалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари онгига яқин ўртада кириб бориши даргумон. Қолаверса, ҳозирги пайтда кўпгина ҳуқуқий дастаклар (нормалар)да табиатга фақат моддий зарар етказилган ҳолатларни экологик ҳуқуқбузарлик деб белгиланган. Бундай ҳолат кейинги вақтда қабул қилинаётган қонунларда ҳам давом этмоқда. Аслида қонунлар, даставвал экологик зарар учун жавобгарлик белгилаши зарурлигини кўп мутахассислар тушунмайдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида экологик интизом ва экологик талаблар бажарилиши устидан назоратни биргина давлат органлари олиб бориши етарли эмас. Мазкур соҳада иш олиб бораётган ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлмаган табиатни муҳофаза қилиш республика ва маҳаллий жамоат ташкилотларининг ҳам фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш вақти-соати келганга ўхшайди. Бўлмаса улар давлат бошқарув органларининг пинжида қолиб кетавериши мумкин. Умуман, бозор иқтисодиёти шароитида жамоат ташкилотларини бирлаштириб, уларнинг фаолиятини айрим ривожланган чет давлатлар (масалан, Германия)даги сингари кенгайтириш ва янгича сиёсий мақом бериш керак. Шундагина табиатни муҳофаза қилишда жамоатчиликнинг ролини демократик сиёсий тузумга мослаб янги поғонага кўтара олишга эришамиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланганлик учун пул тўлаш ва атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун жарима солиш асосий иқтисодий мезон, деб тушунилмоқда. Менимча, бу кўпроқ иқтисодий усулдан ҳеч қачон иқтисодий жиҳатдан мустақил бўла олмайди. Иқтисодий мустақиллик йўқ жойда сиёсий мустақиллик бўлиши мумкин эмас. Ахир, табиати ифлосланган, сувлари заҳарланган, боғу-роғлари саҳрога айланаётган эл озод, бахтиёр бўла оладими? Биз бунга асло йўл қўймаслигимиз керак!

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонун-қоидаларни бузиш содир этилмоқда. Шундай аҳволда бунга тез бойишни мақсад қилаётган айрим тадбиркорларнинг табиатга нисбатан шафқатсизликлари қўшилса борми? Бу ахир дард устига чипқон бўлмайдими? Таассуфларимизнинг боиси шундаки, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида ҳар бир тадбиркорнинг фаолиятини назорат қилиш жуда қийин. Бундан ташқари экологик қонун-қоидаларни бузаётган кимсалар аниқланса ҳам, уларнинг жавобгарлиги амалдаги қонунларга кўра жуда кам бўлади. Чунки қонунларда бундай ҳуқуқбузарликлар иккинчи даражали деб қаралиб келинмоқда.

Шуниси ачинарлики, ҳозир амалда бўлган моддий (фуқаролик) ва айниқса, жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонунлар мажмуасида экологик ҳуқуқбузарликларга баҳо бериш 50—66-йиллар нафасидадир. Сирасини айтқўра, маъмурий усулга яқин. Аслида «пулли табиат» ҳамда экологик жарима давлат ҳокимиятининг кучи билан жорий қилинади. Шунингдек, табиатдан фойдаланганлик учун пул тўлашнинг тартиби ва миқдори ҳам давлат органларининг кўрсатмалари билан жорий этилмоқда. Бу тартибда пул тўлашни солиқ ундириш билан тенглаштириш мумкин. Пул ундириш ва жарима солишнинг шундай тартибини белгилаш керакки, улар рағбатлантирувчи омилга айланиб уддабуронларни табиатга оқилона муносабатда бўлишга ундасин.

Шу ўринда балки чет эллар тажрибасини таҳлил қилиб ўрганиб чиқиш ва биздаги шароит билан солиштириш лозимдир. Бу ерда икки ҳолат устида тўхталиб ўтамиз. Биринчиси, ҳар қандай фирма ва ташкилотлар атроф-муҳитни ифлослантирган тақдирда уни жавобгарликка тортишни талаб қилиб фуқаролар ва жамоатчиликнинг судга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқий имкониятлари мавжудлигидир. Бунда асосий қоида шундан иборатки, экологик, шу жумладан, мулкий ва фуқаронинг соғлиғига етказилган зарарни ҳар қандай шахс ёки корхона тўлаши шарт. Давлат маҳкамалари, суд органлари зарар кўрганларга бу ишда ҳомийлик қилади. Ривожланган йирик давлатларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий нормаларга риоя этилиши устидан назорат олиб борадиган давлат маҳкамалари минглаб ходимларга эга. Улар жамият барча қатламларининг талабларини бажаришда ҳамма учун умумий бўлган табиий яшаш уйини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлатнинг фаолиятини амалда ҳаётга татбиқ қиладилар. Давлат мансабдорларининг фаолияти кўпинча фуқаролар ва жамоатчиликнинг фаолияти билан ҳамоҳанг бўлиб, баъзан тўлдиради, уларнинг бир-бирларини тушуниши ва ҳамкорлиги табиатни ифлослантирувчиларга қарши курашда самара беради.

Иккинчи ҳолат — бу, бизнингча, ошкоралик. Экологик қонунларни бузувчилар фақат кўп миқдордаги жарималардан эмас, балки ўзларининг ғайриқонуний ҳулқининг овоза бўлишидан ҳам қўрқадилар. Бундай ҳолат бозор шароитида уларга кредит олишда, музокаралар олиб бориш, шартномалар тузиш, маҳсулотни реализация қилиш вақтида ишончсизлик уйғотиши мумкин. Рақобат шароитида, обрўли, интизомли ва ватанпарвар фуқаро, деган шарафли номни йўқотиш тижорат ва ишбилармонликка ҳалокатли таъсир қилиши мумкин. Зотан, давлат қарорини четлаб ўтиш ёки давлатни алдаш энг шармандали иш, деб қабул қилинади. Бозор шароитида табиатга нисбатан мурувватли бўлиб, уни муҳофаза қиладиган қонунларни бағоят ҳурмат қилиш хўжалик юритувчининг ким бўлишидан ва қандай гуноҳларга ботганидан қатъи назар, унинг учун энг яхши реклама бўлиб ҳисобланади.

Хулоса шуки, давлат маҳкамалари, иқтисодий тузилмалар, хусусий мулк эгалари ва бутун аҳолининг асосий вазифаларидан бири — қандай қилиб бўлмасин, ҳатто агар шу мақсадда энг қатъий иқтисодий-ҳуқуқий таъсирларни қўлланганда ҳам, ҳаттоки, шу мақсадда иқтисодиёт ривожланишини секинлатишга мажбур бўлган тақдирда ҳам табиатни ифлосланишдан ва талон-торож бўлишдан сақлаб қолиш лозим. Экологиянинг демократия, иқтисодий ҳамда сиёсий ислоҳотлар жабрдийдаси бўлиб қолишига ҳеч ҳам йўл қўймаслик керак. Зеро, экология, иқтисодиёт ва мустақилликни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Агар биз экологияни ҳамма нарсадан устун қўймасак, ҳаётимизни ва келажагимизни барбод қилишимиз мумкин.

**И. ЖУРАЕВ,**
**Россия Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ илмгоҳи докторанти.**

(Муаллифнинг илтимосига кўра қалам ҳақи рўзнома жамғармаси ҳисобига ўтказилади).





# «ШЎРТАН» КОНИДА ЯНГИЛИК

**Қашқадарё вилоятидаги «Шўртан» кон бошқармасида газ ҳамда конденсатни тозалаб берадиган қувватларнинг иккинчи навбати қурилиши бошланди.**

**Ҳозир бу ердан ҳар кеча-кундузда Ўзбекистон халқ хўжалигига 50 миллион куб метр табиий газ етказиб берилмоқда. Уларнинг ярмидан кўпи шу ернинг ўзида тозаланмоқда. Қурилиш ишлари тугаллангач, барча маҳсулот шу ернинг ўзида тозаланадиган бўлади.**

**Суратларда: 1. Марказий диспетчерлик хонасида. Оператор Рамз Саидов (чапда) ва катта оператор Фарҳод Қашиев. 2. Газ ҳамда конденсатни тозалаб-қуритиб берадиган қурилма.**

**Ш. ШАРИПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

**МДҲ АЙРИМ РЕСПУБЛИКАЛАРИНИНГ ШАҲАР БОЗОРЛАРИДА 1992 ИЙЛ 25 МАЙДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ**

(ўртача сўм)

| | Ўлчов бирлиги | Тошкент | Москва | Киев | Санкт Петербург | Бишкек | Олмаота | Минск |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Мол гўшти | кг | 65-00 | 230-00 | 115-00 | 165-00 | 70-00 | 100-00 | 110-00 |
| Қўй гўшти | кг | 100-00 | 140-00 | 135-00* | 220-00* | 75-00 | 100-00 | 120-00* |
| Тухум | ўн дона | 25-00 | 45-00 | 20-00 | 50-00 | 20-00 | 25-00 | 20-00 |
| Сариёғ | кг | — | 220-00 | 180-00 | 250-00 | — | 180-00 | 140-00 |
| Сметана | кг | 80-00 | 100-00 | 100-00 | 190-00 | 80-00 | 150-00 | 70-00 |
| Картошка | | 6-00 | 15-00 | 9-00 | 17-00 | 7-00 | 15-00 | 6-00 |
| Янги карам | кг | 4-00 | — | 20-00 | 29-00 | 15-00 | 20-00 | 35-00 |
| Пиёз | кг | 7-00 | 25-00 | 17-00 | 31-00 | 8-00 | 10-00 | 10-00 |
| Помидор | кг | 28-00 | 90-00 | 90-00 | 100-00 | 55-00 | 90-00 | 80-00 |
| Бодринг | кг | 12-00 | 80-00 | 50-00 | 60-00 | 25-00 | 80-00 | 45-00 |
| Гуруч | кг | 20-00 | — | — | — | 35-00 | 25-00 | — |

* — Чўчқа гўшти.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳисоб комитети.**

- **Шароит йўл кўрсатмоқда**
- **Машаққат озлиги сабаби**
- **Фойданинг бир қисми ижтимоий ҳимоялашга сарф қилиняпти.**

# ЭСКИСИ ЯНГИСИНИ АСРАЙДИ

Ҳайдовчилар, таъмирловчиларнинг баракали ишлаши учун даставвал шарт-шароитлар яратиб берилиши лозим. Иш шундай ташкил қилинса, албатта, кўзланган натижаларга эришилади. Ҳозирги иқтисодий қийин шароит бизга шу йўлдан боришни тавсия этяпти. Автокорхонамиз жамоаси ўтган йилни 4 миллион 373 минг сўм даромад билан якунлади. Белгиланган режа ошириб бажарилди. Корхона олган соф фойда 528 минг сўмга тўғри келди.

Автокорхонамиз 11 корхонанинг юкларини ташиб бермоқда. Шу билан бирга шаҳарда 6 маршрут бўйича йўловчиларга хизмат кўрсатиляпти. Ленин номли жамоа хўжалигидаги 2 маршрут, Тахиатош-Нукус йўналишларида ҳам автобуслар аниқ жадвал билан қатнаб турибди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида корхонамиз кўп қийинчиликларни бошдан ўтказмоқда. Юк машиналари, автобуслар, моддий ресурслар, эҳтиёт қисмлар, ёнилғимойлаш материаллари 15-20 марта ва ундан ҳам кўпроқ ҳисса қимматлаб кетди. Шундай қийинчиликларга қарамасдан, халқ хўжалиги юкларини ташиб беришда ва йўловчиларни манзилларига етказиб қўйишда қўлимиздан келган барча чора ва тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Ҳар бир машинанинг унумли ишлашини таъминлаш имкониятлари изланмоқда. Машиналар рейсдан келгач, албатта синчиклаб кўздан кечирилади, техник қаровдан ўтказилади. Шундай усулда ишлаганимиз туфайли ўтган биринчи чорак режа ва топшириқлари ошириб адо этилди. Жубай Эшмуҳанов, Абдулла Акимов, Аллаберган Абдурасулев, Турғунбой Ҳайруллаев, Жақсилиқ Ғаниев, Бобохон Шаропов каби ҳайдовчилар смена нормаларини ошириб адо этмоқдалар.

Моторчи Изтурған Тилеуимбетов, слесарлар Алдан Нурғозиев, Тўреш Вапаев, аккумуляторчи Оразғали Оспанов каби ремонтчилар юк машиналари ва автобусларнинг ремонтсиз узоқ вақт ишлашига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Улар кўп ишлатиладиган эҳтиёт қисмларни қайта тиклашда ҳам ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Мустақиллик деймиз-у, лекин у биз хўжалик ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Мустақилликни мустаҳкамлаш учун тежамкор бўлиш ҳам керак-да. Бусиз ҳозир иш юришмайди.

Бугунги тақчиллик шароитида ҳар қандай машиналарни ҳисобдан чиқараверишга ярашмайди. Янгиларини сотиб олиш осон эмас. Эскилари соз ишлашига эришиш лозим. Биз шунга қарор қилдик. Катта қурилишларни вақтинча тўхтатиб қўйдик. Чунки ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам маблағ зарур. Биринчи навбатда кам иш ҳақи оладиган ҳайдовчилар, муҳандис-техниклар, ремонтчилар, кўп болалик оилалар, ногиронларнинг турмушини ҳимоя қилиш асосий вазифамиз бўлиб турибди. Корхона олаётган соф фойданинг асосий қисмини уларнинг турмушини яхшилашга сарф қилаверамиз. Ўтган биринчи чоракнинг ҳар бир ойида бир ишловчига ўртача 850 сўмдан иш ҳақи тўланди. Биз шу йўлни изчил давом эттириш дастурини ишлаб чиқдик.

Ҳайдовчилар, муҳандис-техниклар, ремонтчиларнинг иш шароитларини яхшилаш мақсадида автокорхона маъмурияти, Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилоти ва касаба уюшмаси қатор тадбирларни амалга оширдилар. Ҳар бир цехда юз-қўл ювгичлар ўрнатилган. У ерда совун, сочиқ қўйилган. Дам олиш хонасида шахмат-шашка, биллиард, қўл тенниси бор. Ойнома-рўзномаларнинг янги сонлари билан ҳам танишиш мумкин. 50 ўринлик ошхона ишлаб турибди. Саломатликка зararлироқ цехларда ишлаётган ремонтчилар, муҳандис-техниклар бепул сут-қатиқ билан таъмин қилинмоқда.

Рағбатлантириш чоралари ҳам кўриляпти. Ишда ибрат кўрсатган ходимларга, биринчи галда ҳайдовчиларга ойлик иш ҳақига 200 сўм пул мукофоти қўшиб берилмоқда. Нарх-наволарнинг қимматлашгани муносабати билан ҳар бир ишловчига 150 сўмдан товон пули берилмоқда. 13-ойлик учун 110 минг сўм пул ажратиладиган бўлди. Ҳар бир ишловчига ойида тушлик овқатга 70 сўмдан пул бериб бормоқдамиз. Белгиланган режаларни зиёдаси билан ўринлатиш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланамиз.

Бундай чоралар мустақилликни мустаҳкамлашда ҳар бир ходимнинг умумий ишга қўшадиган шахсий ҳиссасини янада оширади.

**Ж. АБДУЛЛАЕВ,**
**Тахиатош шаҳридаги 109 автокорхона директори.**

*• Муштарийлар мактуби •*

# МАҚСАД — ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

**● Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини иш билан таъминлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бизнинг Ленинобод қишлоқ Кенгаши бу борада тегишли тадбирларни амалга оширяпти.**

Аввало, ишсиз кишилар рўйхатга олиниб, уларнинг қандай фаолият кўрсатиши имкониятлари ўрганиб чиқилмоқда. Айниқса, эндигина ўрта мактабни битирган ва ҳали у ёки бу касбнинг этагини тутмаган ёш йигит-қизларга бўш ишчи ўринларини топиб жойлаштиришда бир қатор имтиёзлар яратилаяпти.

Ҳисобларимизга қараганда, ҳозир қишлоқ ҳудудида 21 минг аҳоли яшайди. Шундан 600 нафарга яқин ишсиз бор. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида қишлоқларда кичик корхоналар, филиаллар ва мўъжаз цехлар ташкил этилмоқда.

Дастлабки натижалар муаммо ўз ечимини топаётганидан далолат беряпти. Масалан, Шўртожик ва Қипчоқ маҳаллаларида мўъжазгина ип йигирув корхонаси ишга тушгач, 50 нафар киши иш билан таъминланди.

Яқинда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган консерва цехи ва тикувчилик ширкати очдик. Натижада 80 нафар киши доимий ишлашга жалб этилди. «Победа» жамоа хўжалигида хом ғишт тайёрлаш цехи 20 нафар фуқарони иш билан таъминлаган бўлса, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида очилган болалар боғчаси 30 хотин-қизни ишсизликдан қутқарди.

Ҳозир Қадим пахта тайёрлаш пунктида йирик иш жойи — Исроил фирмаси вакиллари билан ҳамкорликда «СИРЮЗА» қўшма корхонасини барпо этиш ишлари ниҳоясига етмоқда. Қўшма корхона ишга тушгач, 280 киши иш билан таъминланади. Бундан ташқари, ўрта мактабни битирган ёшларни Минск ип йигирув комбинатига юбориб, маҳаллий йигит-қизлардан ишчи кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериляпти.

1991 йилда доимий иш жойига эга бўлмаган 200 га яқин кишига нафақа тўланди. Ҳозирги мураккаб шароитда ишсизларни рўйхатга олиб, уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг аниқ чоралари кўрилмоқда. Энг муҳими, уларни ишга жойлаштириш муаммоси босқичма-босқич ҳал этиляпти.

Яқинда қишлоқ Кенгаши Андижон консерва заводи, Асака тайёрлов идоралари билан шартнома имзолади. Унга кўра, қишлоқ меҳнаткашлари шахсий томорқаларида етиштирилган маҳсулотларни бу корхоналарга келишилган нархларда сотишади. Маҳсулот етиштириб берган уй бекалари номига меҳнат дафтарчалари очилади. Шу тарика уйда ишсиз ўтирган ёшлар ҳам иш билан таъминланади.

**Ш. РАСУЛОВ,**
**Асака районидаги Ленинобод қишлоқ Кенгаши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимининг бошлиғи.**

# ЧОРАСИЗ ЧОРА ИЗЛАР

Бугунги кунда иқтисодиётдаги танглик темирчи усталар фаолиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хом ашё, айниқса, металл етишмаяпти. Хўш, бу муаммони ечиш имкони борми? Худди шу хусусда бир таклиф киритмоқчиман.

Бу таклифни Термиз шаҳрига поездда борган, ҳар гал Термиз ва Учқизил станциялари оралиғида бир неча ўнлаб гектар майдонни эгаллаб ётган ҳарбий техника буюмлари «мозори»га кўзи тушган ҳар қандай йўловчи айтиши мумкин. Бу ерда афғон урушида пачақланган танклар, ишдан чиққан БТР, БМПлар ва бошқа зирҳли ўзюрар машиналар бор.

Тўғрисини айтганда, «хизмат»ни ўтаб бўлган бу техника воситалари кейинги пайтда камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Демак, уларни олиб кетиш, тузатиш ёки бирор бошқа йўл билан халқ манфаати йўлида фойдаланиш ҳарбий идоралар раҳбарларининг хаёлига ҳам келмаяпти.

Чорасиз чора излар, дейишади. Бу бузуқ машиналарни жумҳуриятнинг ихтиёрига олиб, темирчи усталар эҳтиёжи учун ишлатсак бўлмайдими? Ахир бизда қора металларни қайта ишлаш имконияти бор-ку! Агар хоҳиш-ихтиёр бўлса, бу ишни амалга ошириш мумкин, деб ўйлайман. Бинобарин шундай қилинса, устахоналар иши жонланиб, темирчиларнинг тақчил ҳом ашё металлга бўлган талаби бироз қондирилган бўлур эди.

**А. МУТАЛОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

Фарғона нон маҳсулотлари бирлашмаси корхоналарни хусусийлаштириш борасида дастлабки қадам қўйди. «Лаззат» магазинига эга бўлган новвойчилик цехи жамоаси корхонани сотиб олди.

Бирлашмада қувватларни ошириш тадбирлари кўриляпти, Янги ишга тушган цех таъмирланиб, янги ускуналар ўрнатилди. Энди бу ерда 15 тонна маҳсулот тайёрланмоқда. Бу ерда печенье ишлаб чиқариш тармоғи ҳам бунёд қилинди.

Суратларда: юқорида — макарон тайёрлаш цехи. Унгда—хамир қорувчи Зайнабхон Охунжонова. Чапда— қадоқловчи Дилором Исмоилова.

Ш. АЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

# ЭР-ХОТИННИНГ УРИШИ...

Эр-хотиннинг кечки нонуштадан кейинги арзимаган баҳсига аслида Баҳора сабабчи бўлди.

Баҳора — Шорасул билан Малоҳатнинг яккаю ягона фарзанди. Дарвоқе, қизча уйларидан унча узоқда бўлмаган болалар боғчасига қатнайди.

Малоҳат одатдагидек бугун ҳам қизини боғчадан олиб чиқаётган эди, уни мураббия йўқлаб қолди.

— Кечирасиз, пул тўлашда озроқ чалкашлик борга ўхшайди. Беш сўму 70 тийин қарзларингиз бор экан.

— Йўғ-е, пулни тийинматийин тўлаб келяпмизку!

— Билмадим, опа, мана, бухгалтериядан ёзиб беришди. Ҳисобчи фақат пайшанба куни ишлайди. Илтимос, бир амаллаб келиб кетинг. Айтгандай, бир йўла аввалги тўлов қоғозларини ҳам олиб келинг...

Бу гапни Малоҳат эрига айтди. Ишдан кайфияти сал бузилиб қайтган Шорасулнинг жаҳли чиққандек бўлди.

— Шунгаям мени аралаштирмай тўлаб кела қолсанг бўлмасмиди!

— Қизиқсиз-а, Шорасул ака, байрамда камида беш сўмдан пул йиғишади. Ҳали расмга дейди, ҳали қанақадир учрашувга дейди.

— Шу гапни кеча қўшнимиздан ҳам эшитган эдим. Бориб текшириб кўрса, ўғилчаси касал бўлганда справка топширган кунларига ҳам пул ёзиб қўйишибди. Ҳайронман, бухгалтернинг хаёли қаёқда, ўзи?!

— Ота-онанг пул тўлашдан қочди, деб тағин Баҳорага гапириб юришмасин.

— Ҳа, яхши. Индинга бирров кириб чиқарман.

— Индинга кеч бўлади, адаси. Боғча бухгалтери фақат пайшанба куни ишларкан.

— Ундай бўлса, ишдан келиб ўзинг кириб кетарсан,

— Шорасул ака, эртага менинг ҳеч имконим йўқ. Ойнинг охири бир минут ҳам жавоб беришмайди.

— Эртага Москвадан меҳмонлар келишади. Куни бўйи ўшалар билан бўламан. Ярим соат бир кун эмас-ку! Шу билан фабрикангда иш тўхтаб қолмас, ахир?!

— Цех бошлиғимиз энди сизга жавоб йўқ, деган.

— Меники, агар билсанг, тўрт кундан ҳам ошиб кетди. Тағин бўлим бошлиғимизнинг «Ўртоқ, Мамадалиев, бунча баҳонани қаердан топасиз», деганини айтмайсанми? Ахир бу баҳона эмас, ноиложлик эканини қаердан тушунтираман унга. Ўтган куни, ошхонанинг қранидан сув тўхтамай қолди. Сантехниклар бешга яқин келишди, Ундан кейин ишга бориб бўладимя?

— Агар эртагаям жавоб сўрасам аризангни ёз, дейиши ҳеч гап эмас.

— Тушунсангчи, Малоҳат, бошқармада касаба уюшмаси раиси бўла туриб мен прогул қилаверсам, бошқалар нима дейди, ахир. Кеча биттаси ишдан барвақтроқ кетиб қолган экан, мажлис қилиб ишдан бўшатиб юборди.

— Мен сизга айтсам, Шорасул ака, бизда ундан ҳам баттар. Қадамимиз ўлчовлик. Қайси куни Гулчеҳра иш вақтида китоб ўқиб ўтирган экан. Соҳиба онасининг олдига — касалхонага, Анвара эса кийим тикиришга сал барвақтроқ кетиб қолишибди. Учаласини ҳамманинг олдида шунақаям изза қилишдики, асти қўяверасиз. Цех бошлиғимиз «бундайлар орамизда яна топилиб қолади», деганида энди мени турғизса керак, деб юрагим орқамга тортиб кетди. Энди кимда-ким меҳнат интизомини бузса, суратини эшик олдидаги тахтага осиб қўйишармиш.

— Катталаринггаям ҳайронман. Одамларни жойига ўтқазиб қўйган билан унумдорлик ошарканми?

Хуллас, эр-хотин ана шу тариқа анча вақт тортишиб олишди. Малоҳат (ҳар қалай аёлда!) эрининг бироз юмшаганини сезиб, унинг кайфиятини кўтармоқчи бўлди.

— Қўйинг, Шорасул ака, қуриб кетмайдими шу ташвишлар. Кўп куйинманг. Бир гап бўлар. Иннайкейин, худонинг куни битта эмаску!

— Шундай дейсану, баъзан алам қилади-да...

— Мендачи, бир ажойиб таклиф бор.

Шорасул яна нима экан, дегандек хотинига қаради.

— Биласизми, Баҳорани чақирамиз. У қўлига чўп яширади. Ким топса, боғчага ўша боради. Қалай, маъқулми? Малоҳат қизини чақирди.

— Келақол, қизгинам вой онагинанг айлансин сендан. Мана, мана бу гугурт чўпини ол. Қўлингга яшир. Биз даданг билан уни топамиз, хўпми?

Баҳора опасининг гапини маъқуллаб бош чайқади. Ота-она кўзларини юмиб туришди. Қизча чўпни қўлига яширди-да кўзларингни очинглар, деди. Малоҳат ва Шорасул дарҳол қизининг иккала қўлидан бирини танлашди. Баҳора эса жилмайганича бармоқларини ёзди. Ичида «Сен борасан», «Йўқ, сен борасан» деб турган эрхотин бир дақиқа ҳайрон бўлиб, сўнг бир-бирларига қараб, кулиб юборишди.

Баҳора гугурт чўпини тенг синдириб, иккала қўлига ҳам қисиб олган экан...

**Фармон ТОШЕВ.**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

• Турмуш чорраҳаларида

## • СПОРТ

### КУЧЛИЛАР ДАВРАСИДА

**● Ўзбекистон Республикасининг моҳир шахматчилари жаҳон олимпиадасида биринчи марта иштирок этишга ҳозирлик кўришмоқда.**

Кучлилар даврасида дона суриш учун шайланаётганлар мухлислар ишончини оқлашга ҳаракат қиладилар. Жумладан, тошкентлик халқаро гроссмейстер Валерий Логинов, халқаро мастер Александр Нинашев, Григорий Серпер, чирчиқлик Михаил Салтаев билан Сергей Загребельний ҳамда мастерликка номзод Сайдали Йўлдошевлар республикамиз спорт шарафини ҳимоя қиладилар. Шахматчиларимизга тошкентлик спорт устаси Сергей Пинчук устозлик қилмоқда. 7—27 июнь кунлари ўтказиладиган жаҳон олимпиадасида шунингдек, Г. Каспаров, А. Юсупов, А. Карпов, С. Долматов сингари машҳур шахматчилар ҳам иштирок этадилар. Яқинда шахматга оид яна бир янгилик бўлди. Мухлисларга яхши таниш Виктор Корчной орадан 16 йил ўтгач она шаҳри Санкт-Петербургга меҳмон бўлиб келди.

### ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР

**● Олий лига футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг 13-тур ўйинлари бошланди. Асосий учрашувлар бугун бўлади.**

Кечиктирилган учрашувлар ҳам мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Чунончи, пахтакорчилар билан «Нефтчи» жамоаси ўртасида Тошкентда бўлиб ўтган ўйинда меҳмонлар устун келишди. Фарғоналик Дўрмонов икки тўпни дарвозага йўллаган бўлса, пахтакорчи Шарипов жавоб тўпи киритди. «Навбаҳор» ва «Марқанд» жамоалари учрашувида биттадан тўп киритилди. Бугун бўладиган ўйинлар олдидан «Сўғдиёна» 16 та очко билан пешқадамлик қилмоқда.

## СИЗДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИК БОР?

# ЎЗ ДЎКОНИНГ БЎЛСА

**● Жиззах устки трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси вилоят, шаҳар ва районларда ўз савдо тармоқларини оча бошлади. Жамоанинг бундай дўконлари ҳатто Фарғона ва Андижонда ҳам пайдо бўлди.**

Йилнинг ўтган даври мобайнида мавжуд 8 та дўконда 2 миллион сўмликдан зиёд савдо қилинди. Шунга қарамасдан бирлашма омборхоналарида 50—60 миллион сўмлик тайёр маҳсулотлар тахланиб қолмоқда. Жумҳуриятдаги 90 га яқин савдо ташкилотлари режалаштирилган молни ҳар доим ҳам олиб кетишга шошилмаяптилар.

Шуниси таажжубланарлики, бирлашмада ишлаб чиқарилаётган бежирим трикотаж маҳсулотлари, болалар кийим-кечаклари, пайпоқ ва чойшабларни дўконлардан тополмайсиз. Натижада аҳоли уларни бозорлардан бир ярим икки баробар нархда сотиб олишга мажбур бўлмоқда. Афтидан савдо ташкилотларида бундай молларнинг пайдо бўлиши ва кўпайишини кимлардир хоҳламаётган кўринади.

Бирлашма бош директори Э. Нормаматовнинг таъкидлашича, эндиликда жамоа ўз савдо тармоқларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу соҳадаги дастлабки натижалар эса умид қилса арзигулик.

# ЭҲМ—ПРОКУРАТУРАДА

**● Вилоят прокуратураси ўзининг навбатдаги сайёр ўқув-машғулотини Октябрь район прокуратураси фаолиятини ўрганишга бағишлади. Бу бежиз эмас. Район прокуратураси вилоятда биринчи бўлиб ўз ишига ЭҲМни жорий этди.**

Маълумки, прокуратура тўғрисидаги қонун ҳар бир прокурордан жуда кўп маълумотларни билиш, қонунларни амалда бажарилишини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш усулларини доимо такомиллаштириб боришни тақозо этади. Бундай вазифа асосан уч киши фаолият кўрсатаётган кўпчилик район прокуратураларига айниқса катта масъулият, бир қадар қийинчиликлар туғдиради. Шу боис район прокурори Азимжон Эргашев жамоа фаолиятида ЭҲМдан фойдаланиш самарасини амалда кўрсатди. «Рабортрон ЕС—1834» ҳисоблаш машинасини пахта тозалаш заводига ижарага берди.

Сайёр ўқув машғулотида қатнашган барча мутахассислар ЭҲМ хотирасига жойлаштирилган маълумотларни жиноятчилик ва уларга қарши олиб борилаётган юмушлар ҳақидаги хабарлар билан қизиқиб танишдилар.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

# ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

1992—1993 ўқув йили учун

кечки ва сиртқи бўлимларнинг 1-курсларига

## ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Институт 02. 11. 00 мутахассислиги бўйича ҳуқуқшунослар тайёрлайди.

Институтнинг кечки ва сиртқи бўлимларига қирувчилар ҳужжатларини 1 июлдан 5 августгача топширадилар. Қириш имтиҳонлари 6 августдан бошланади. Ўқишга қабул қилиш муддати 29 августгача.

Институтнинг кечки ва сиртқи бўлимларига кирувчилар қуйидаги фанлардан танлов имтиҳонлари топширадилар:

1. Тарих (ёзма);
2. Таълим олиб бориладиган тил (диктант);
3. Давлат ва ҳуқуқ асослари (оғзаки, ёзма тариқасида вазифани бажариш шарти билан танловсиз).
4. Жуғрофия (оғзаки, ёзма тариқасида вазифани бажариш шарти билан).

Институтга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ариза, ўрта ёки олий маълумотлари ҳақидаги ҳужжатнинг асли, соғлиги тўғрисидаги 086/У намунадаги маълумотнома, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, иш жойидан маълумотнома (иш стажига эга бўлганлар эса — меҳнат дафтарчасидан кўчирма).

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Мактабни олтин (кумуш) медалга битирган, ўрта махсус ўқув юртлари ёки ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатганлар битта — тарихдан (ёзма) имтиҳон топширадилар. Ушбу имтиҳонни «аъло» баҳога топширган абитуриент бошқа имтиҳонлардан озод қилинади ва олий ўқув юртига қабул қилинади. Агар шу имтиҳонни «аъло»дан бошқа ижобий баҳога топширса, қолган фанлардан ҳам имтиҳон топширади.

Институт корхона, ташкилот ва муассасаларга шартнома асосида ҳам кадрлар тайёрлайди.

Институтга қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилишнинг 1992 йил қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

Манзилгоҳимиз: 700067, Тошкент шаҳри, Юнусобод райони, Карл Маркс кўчаси, 35-уй.

## «АЗИЯ ТРЕЙД ЛТД» ФИРМАСИ

биржа нархларидан паст баҳоларда қуйидаги сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи ускуналарни

СИЗЛАРГА

## ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

А9 — КР — 2Т автоклов тўрлари (идишни махсус босим остида беркитувчи) учун туширувчи-юкловчи қурилмалар — 6 дона.

ҚНА — 600 картошка тозалагич — 5 дона

Сабзавотларни ювадиган ғилдиракли машина (двигатели йўқ) — 1 дона.

Озиқ-овқат маҳсулотлари учун эндоксин билан қопланган (ҳажми 24 м³) зарарсизлантирилган пўлат идиш, устки ва пастки тагликлар билан (Булгория) — 1 дона.

А9 ҚНП (ўралмаган, узатмаси йўқ) саримсоқ тозалагич — 1 дона.

*ИШБИЛАРМОНЛАР, ИСТЕЪМОЛЧИЛАР СИЗЛАР УЧУН*

ЭШ — 188 м электроштабеллерлари — 4 дона.

23—64 мм.ли, қалинлиги 6-10 мм.ли бутун узунликдаги қувурлар — 42 т.

Оғирлиги 9,2 кг.лик тунука идишлардаги 30 фоизли томат пасталари — 300 т.

1В — 20— 5 — 8 электронасос агрегатлари — 5 дона

ЭП — 0806, 01 электроюклагичлар — 20 дона

Тошкентдаги уй ва ҳовлиларни идоралар учун ижарага топширамиз ёки сотамиз.

Қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилишингиз мумкин: 77-48-32, 77-04-13 (соат 10 дан 17.00 гача). 66-18-35 (соат 17 дан 21.00 гача).

Брокерлик агентларни қулай шароитларга эга ишларга таклиф қиламиз.

«АЗИЯ ТРЕЙД ЛТД» ФИРМАСИ СИЗЛАРНИ КУТАДИ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ

1992-1993 ўқув йилига

КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

## ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кечки бўлимга: математика, физика, кимё, биология, тарих, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти.

Сиртқи бўлимга: география, қуруқликлар гидрологияси, фалсафа, тарих, журналистика, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, миллий мактабларда рус тили ва адабиёти, сиёсий иқтисод, ишлаб чиқариш иқтисоди ва бошқаруви, геологияда қидирув ва разведка, агрохимия ва тупроқшунослик.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ректор номига ариза, ўрта ёки олий маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), соғлиги тўғрисида 086/У шаклидаги маълумотнома, 3х4 сантиметр катталикда 6 дона фотосурат. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кираётганлар қайд этилган ҳужжатларга қўшимча равишда иш жойидан маълумотнома (меҳнат фаолиятига эга бўлганлар эса — меҳнат дафтарчасидан кўчирма) топширадилар.

Паспорт ва ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ҳужжатлар 1992 йил 10 июндан 9 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1992 йил 10 июлдан 25 июлгача. Ўқишга қабул қилиш муддати 1992 йил 28 июлгача.

Кирувчилар мутахассислик бўйича қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

1. Математика — математика (ёзма ва оғзаки), физика (оғзаки), ўзбек (рус) тили (диктант).
2. Физика — физика (ёзма ва оғзаки), математика (ёзма), ўзбек (рус) тили (диктант).
3. Химия — химия (ёзма ва оғзаки), математика (ёзма), ўзбек (рус) тили (диктант).
4. Биология — биология (ёзма), (химия оғзаки), математика (ёзма), ўзбек (рус) тили (диктант).
5. География — география (ёзма), математика (ёзма), ўзбек (рус) тили (диктант).
6. Қуруқликлар гидрологияси — математика (ёзма), география (оғзаки), ўзбек (рус), тили (дикант).
7. Фалсафа — ўзбек (рус), тили (диктант), тарих (ёзма), физика (оғзаки), чет тили (оғзаки).
8. Тарих — тарих (ёзма), ўзбек (рус) тили (диктант), география (оғзаки), чет тили (оғзаки),
9. Ўзбек тили ва адабиёти — ўзбек тили ва адабиёти (иншо), чет тили (оғзаки), ўзбек тили ва адабиёти (оғзаки), география (оғзаки).
10. Рус тили ва адабиёти — рус тили ва адабиёти (иншо), чет тили (оғзаки), рус тили ва адабиёти (оғзаки), ўзбек тили (оғзаки).
11. Миллий мактабларда рус тили ва адабиёти — рус тили (диктант), ўзбек тили ва адабиёти (оғзаки), рус тили ва адабиёти (оғзаки), чет тили (оғзаки).
12. Сиёсий иқтисод — математика (ёзма), география (оғзаки), чет тили (оғзаки), ўзбек (рус) тили (диктант).
13. Ишлаб чиқариш иқтисоди ва бошқаруви, — математика (ёзма), география (оғзаки), чет тили (оғзаки), ўзбек (рус) тили диктант).
14. Геологияда қидирув ва разведка — география (ёзма), математика (ёзма), ўзбек (рус) тили (диктант).
15. Агрохимия ва тупроқшунослик — биология (ёзма), химия (ёзма), физика (оғзаки), ўзбек (рус) тили (диктант),

Кириш имтиҳонлари беш баллик тизим бўйича баҳоланади; «5», «4», «3», «2».

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медал билан, ўрта махсус ҳамда профессионал-техник ўқув юртларини имтиёзли диплом билан тугатганлар кўрсатилган имтиҳонлар жадвалидаги биринчи имтиҳонни «5» баҳога топширсалар, қолган имтиҳонлардан озод қилиниб, талабаликка қабул қилинадилар. «4» ва«3» баҳо олсалар, қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар. Ўрта мактабни битириб, профессионал техник ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар касблари танланган мутахассисликка мос келсагина юқоридаги имтиёздан фойдаланадилар.

Ҳарбий хизматдан бўшатилган, ҳукумат томонидан белгиланган имтиёзга эга бўлганлар, етимлар ва боқувчисиз қолган болалар, I ва II группа ногиронлари имтиҳонларни муваффақиятли топширсалар, ўқишга танловсиз қабул қилинадилар.

Журналистика мутахассислигига кирувчилар (берилган мавзу бўйича) ўзбек (рус) тилида ижодий иншо ёзадилар. Оғзаки ижодий имтиҳон кирувчиларнинг кириш имтиҳонларигача матбуотда эълон қилинган материалларини тақриз қилиш ва суҳбат тариқасида ўтказилади.

Манзилгоҳимиз: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДУ қабул комиссияси.

Ахборот учун телефон: 46-39-63.


## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги хўжалик ҳисобидаги Ўзбекистон Жумҳурияти «Сайёҳ—интур» бирлашмаси илгариги чет-эл туризми бўйича Ўзбекистон ССР Бош бошқармасининг собиқ бошлиғи Неъматилла Ҳикматуллаевга умр йўлдоши

**Файзихон ҲИКМАТУЛЛАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Ўзбекистон енгил саноат уюшмаси бошқарувининг раиси Ў. К. Исмоиловга онаси

**Ихтиборхон ИСМОИЛОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзагроқурилиш» республика ишлаб чиқариш давлатширкат бирлашмаси жамоаси Ўзбекистон мева-сабзавот ва виночилик саноати концернига қарашли 1-республика қурилиш монтаж трестининг бошқарувчиси Н. Ғ. Қурбоновга онаси

**Каромат ҚУРБОНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Касаба уюшмалари курортларини бошқариш Ўзбекистон Республика кенгаши жамоаси «Оқтош» санаторийсининг бош шифокори Н. У. Ерматовага отаси

**Урун ЕРМАТОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент шифокорлар малакасини ошириш олий билимгоҳи ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти ва эпидемиология кафедраси жамоаси, эпидемиология кафедрасининг катта ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди Ш. И. Зиневга онаси

**Башорат ЗИЯМУҲАМЕДОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Енгил саноат моллари ишлаб чиқариш Ўзбекистон Давлат уюшмаси ҳузуридаги «Хўжалик ҳисобидаги ишлар бошқармаси» жамоаси уюшма раиси Ў. Қ. Исмоиловга онаси

**Ихтиборхон ИСМОИЛОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.
386.914 нусхада чоп этилмоқда.
Буюртма № Г—128.

Нашр кўрсаткичи—64583.
№ 104.

Рўзнома офсет усулида А-2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 20.20. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.